

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ  
№ 1-1404-2401/245**

2026 йил апрель ойининг 7 куни Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Т.Алмаматов, ҳайъат судьялари И.Карабаев ва А.Рахматовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Р.Ахмедовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Б.Султонов, маҳкум А/Анинг ҳимоячиси – адвокат А.Эшонкуловнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2024 йил 14 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 276-моддаси 2-қисмининг “б” бандида билан судланган маҳкум

**А/А/А (А/А/А), 1967 йил 16 январь куни Каттақўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам:**

**1) жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2017 йил 11 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми ва 276-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59-моддасига асосан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2019 йил 7 февралдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 1 ой 14 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;**

**2) жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2021 йил 15 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖК 59-моддасига асосан 4 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2023 йил 7 февралдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 6 ой 3 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, Каттақўрғон тумани “А/А/А” маҳалласи, “А/А/А” қишлоғида яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга**

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан маҳкум А/Анинг шикоятига асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,



## А Н И Қ Л А Д И :

А/Ага Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш, ЖК 59, 60, 61-моддаларига асосан узил-кесил 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони манзил-колонияларда ўтатириш белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, А/А илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этганлиги учун судланган бўлса-да, бундан ижобий хулоса чиқармасдан 2024 йил март ойининг ўрталарида ўзи истиқомат қилиб келаётган Каттақўрғон тумани “А/А/А” маҳалласи, “А/А/А” қишлоғида жойлашган яшаш уйининг томорқасига 1 туп тақиқланган экин, яъни таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб парваришлаб келаётганлиги Каттақўрғон тумани ИИБ ҳамда ДХХ Каттақўрғон шаҳар бўлими ходимлари томонидан 2024 йил 22 август куни унинг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик хоналарида ўтказилган тинтув тергов ҳаракати давомида аниқланиб, ушбу 1 туп “каннабис” гиёҳвандлик ўсимлиги холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Бундан ташқари, А/А илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этганлиги учун судланган бўлса-да, бундан ижобий хулоса чиқармасдан ўзи истиқомат қилиб келаётган Каттақўрғон тумани “А/А/А” маҳалласи, “А/А/А” қишлоғида жойлашган яшаш уйида ўтказиш мақсадини кўзламай истеъмол қилиш учун 1,69 грамм озгинадан кўпроқ миқдорда “марихуана” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги Каттақўрғон тумани ИИБ ҳамда ДХХ Каттақўрғон шаҳар бўлими ходимлари томонидан 2024 йил 22 август куни унинг яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик хоналарида ўтказилган тинтув тергов ҳаракати давомида аниқланиб, ушбу “марихуана” гиёҳвандлик воситаси холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Маҳкум А/А шикоятда, унинг ўз айбига иқроқлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, ЖК 57-моддасини қўллаб, жазосини енгиллаштиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Т.Алмаматовнинг маърузасини, маҳкум А/Анинг ҳимоячиси – адвокат А.Эшонқуловнинг шикоятни қаноатлантириш, прокурор Б.Султоновнинг шикоятни қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди томонидан иш тафсилотлари тўғри аниқланиб, маҳкум А/Анинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 276-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация берилган.



Маҳқум А/Анинг суд ҳукмида баён қилинган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг судда ўз айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳлар А.Абдуллаев ва С.Рашидовнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек тинтув баённомаси ва унга илова қилинган диск, фотожадвал, судга оид кимёвий, наркологик экспертиза хулосалари, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор каби жиноят ишида тўпланган объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд этилган далилларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳо бериб, улар ЖПК 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига мувофиқ, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда олинган, маҳқум А/Анинг айбини исботловчи ишончга сазовор, объектив ва мақбул далиллар деб ҳисоблайди.

Жиноят иши биринчи инстанция суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципига, шунингдек Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори тушунтиришларига, шу жумладан жиноят ишини юритишда, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда жиноят-процессуал қонуни нормаларига қатъий амал қилиш шартлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни, шу жумладан судланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда ишда мавжуд бошқа далиллар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, уларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги белгиланган.

Биринчи инстанция суди маҳқум А/Ага нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақидаги тушунтиришларига, ЖК 7-моддасида белгиланган “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси



қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига амал қилиб, унинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, у айбли деб топилган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, сўнгра ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхтама келган.

Шунга кўра, маҳкум А/Анинг шикоятдаги, унинг ўз айбига иқдорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, ЖК 57-моддасини қўллаб, жазосини енгиллаштириш ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509<sup>9</sup>-моддасида, кассация инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра, ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, судлов ҳайъати, шикоятдаги важлар суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509<sup>9</sup> ва 509<sup>10</sup>-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси суди

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И :**

Жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон туман судининг 2024 йил 14 ноябрдаги маҳкум А/А/А (А/А/А)га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

**Раислик қилувчи**

**Т.Алмаматов**

**Ҳайъат судьялари**

**И.Карабаев**

**А.Рахматов**

